

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 26 (1037) • 2015-yil, 19-iyun, juma

Тараққиётимизга доир ҳар бир янгилик

зиммамизга янги вазифаларни юклайди

Устувор йўналишлар

Бугун сиёсий партиялардан мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш, дастурий ғоя ва мақсадлари доирасида ўз позициясини амалиётга татбиқ этиш талаб этилмоқда. Зеро, сўнгги йилларда миллий қонунчилигимиз асосида берилган ваколатлар мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини сезиларли даражада кучайтирди.

Эндиликда сиёсий партиялар фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳоли ўз иродаси ва фикрини эркин билдиришининг муҳим воситаси сифатида давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ҳамда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш борасида реал имкониятларга эга.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон «Адолат» сotsial-демократик партияси ҳам мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этиш, юртимиз ички ва ташқи сиёсатига доир янгиликлардан келиб чиқадиган муҳим вазифаларни партиянинг барча тузилмалари

фаолиятига татбиқ қилишга муҳим эътибор қаратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон «Адолат» сotsial-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг «Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг изчил тараққиёти жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган вазифалар» мавзусидаги қўшма йиғилишида қабул қилинган қарорлар асосида олдимизга қатор вазифалар белгиланган.

3 >

Долзарб масала муҳокама этилди

Депутатлик гуруҳларида

Жойлардаги янги шакллантирилган ҳокимият вакилик органларининг фаолият бошлаганидан бери қарийб олти ой ўтди. Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг ҳам бир нечта сессияси ўтказилди. Албатта, дастлаб кўпроқ фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Айтиш мумкин, партиясиз гуруҳларнинг фаолияти ҳам кўзга ташлана бошлади. Улар сессияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишдаги иштирок қандай бўлишини синовдан ўтказиб улгурдилар. Қонунлар ижроси, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш йўлга қўйилмоқда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

— Дастлаб ишни тўлақонли ташкил этиш осон бўлмади, — дейди халқ депутатлари Янгиқўрғон тумани Кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлар гуруҳи раҳбари Дилбар Аскарова. — Биринчидан, бизда ҳеч қандай тажриба йўқ эди. Чунки аввал туманимизда партиясиз депутатлик гуруҳи тузилмагани. Боз устига гуруҳ аъзоларимиздан ҳеч ким илгари депутат этиб ҳам сайланмаган. Тез орада партиясизнинг вилоят кенгаши билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинимаси ҳамкорлигида шу масалага бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Шуни айтиш керакки, халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашидаги партиясиз гуруҳи аъзолари жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборга, етарли даражада ҳаётий таърибага эга инсонлар иборат. Масалан, Иброҳимжон Маматқулов «Бирлашган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Тўрамирза Мирзапаров «Нанай ва Заркент дехқон бозорлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари. Насибхон Мамадалиева 20-маҳсус мактабгача таълим муассасаси раҳбари. Депутатлик гуруҳи етакчиси Дилбар Аскарова эса туман «Янгиқўрғон ҳаёти» газетасининг муҳаррири, қалами ўткир журналист.

2 >



Ҳамкорликнинг самарали натижалари

Тадбир

Маълумки, қонун устувор бўлган жамиятда ижтимоий адолат таъминланади, тараққиёт, ўсиш кузатилади. Айтиш мумкин, бундай муҳим натижага эришишда жамият, давлатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан саналади. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг Сайололди дастурида ғоявий нуқтаи назарини ифода этар экан, унда иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи экани, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадларига алоҳида урғу беради.

Таъкидлаш жоиз, қонун устуворлиги ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг иқтисодий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўйиш партиянинг устувор мақсадларидан биридир. Бундай хайрли фаолиятни амалга ошириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» анжуманлар залида Республика Марказий банки ва Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ҳамкорлигида Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини юрт-

дошларимизга етказишга бағишланган тадбирнинг асосий мақсади ҳам айнан фуқаролар, тадбиркор ва хусусий бизнес вакиллари ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий салоҳиятини оширишга ҳисса қўйиш, қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш йўлида амалга оширилаётган иқтисодий-ҳуқуқий ислохотлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Республика Бош прокуратураси, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, тижорат банклари мутасаддилари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кен-

гаши раиси Н.Умаров истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлар экан, бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етгани, ҳозирда иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётганига иштирокчилар эътиборини қаратди.

3 >



Партиявий фаолиятда ижро интизоми муҳим

Семинар-тренинг

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан ҳудудий партия кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари бош ҳисобчилари учун икки кунлик семинар-

тренинг ўтказилди.

Тадбирнинг иккинчи кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва бошқа идоралар мутахассислари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари ва тавсиялари билан иштирок этганлиги ўқув самарадорлигини таъминлашда қўл келди.

3 >

Фуқароларнинг таклиф ва мурожаатлари доимий эътиборда

Депутат аралашгач...

Сайловчиларнинг ишончи депутатдан ўз ваколатига муносиб тарзда доимий саъй-ҳаракатда бўлиш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ва қонуний тартибда ечим топишда фаоллик кўрсатишни тақозо этади.

Бунинг маҳаллий вакилик органларидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзоларига фуқаролар томонидан йўлланаётган ёзма ва оғзаки мурожаатлар юзасидан қўрилган амалий чоралар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Абдуллаевга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролардан ҳудудларни ободонлаштириш, бандликни таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатишга доир айрим камчиликларни бартараф этиш ва бошқа масалаларга оид жами 48 та оғзаки ва ёзма мурожаатлар келиб тушди. Ф.Абдуллаев ушбу мурожаатларда келтирилган бир қатор масалалар юзасидан 11 та корхона ва ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўрови билан чиқиб, мутасаддилар ёрдамида муаммоларнинг ҳал этилишига эришди.

3 >

Мақсад ва вазифалар ҳаётининг амалиётда акс этади



4

Изланиш — ютуқлар гарови



5

Партия билан ҳамкорликда аҳоли соғлиғи муҳофазат қилинмоқда



6

Ҳам спорт, ҳам санъат



8

Партиявий фаолиятда ижро интизоми муҳим

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Машгулотларда асосий эътибор сиёсий партияларни молиялаштиришга доир қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, партия тизимида молиявий интизомни таъминлаш, аъзолик бадалларини йиғиш тартиби ва бошқа масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раисининг ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солуви қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти хусусида сўз юритди. Хусусан, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг молиявий сиёсати «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Бюджет тизими тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар ва соҳага доир бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олиб борилишини таъкидлади.

Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан жорий йилнинг февраль ойида олиб борилган партиянинг молиявий фаолиятига доир текширишлар давомида аниқланган баъзи камчиликлар ҳақида тўхталар экан, бу ҳолисона текширув, ўз навбатида, молиявий ҳисоб-китоб юритишнинг муҳим тартиб-тамоилларини янада чуқурроқ ўрганиб боришда партия ташкилотлари раҳбарлари ва бош ҳисобчилари учун долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этди. Энг муҳими, бу тadbирлар Марказий аппарат ва ҳудудий партия кенгашлари молия-хўжалик соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини янада оширишга, текширувларда аниқланган камчиликларни бартараф этишнинг аниқ йўллари белгилаб олишга, бу соҳада учраб турадиган турли хил қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган билан муҳим аҳамият касб этади.

Тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори Т.Қосимов иштирокчилар эътиборини ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан унинг



бюджет тизimini шакллантириш, маблағларнинг аниқ ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатишга боғлиқ эканига қаратди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида олиб борилаётган ўзига хос бюджет сиёсати ва унинг параметрлари ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эга, — деди маърузачи. — Албатта, ушбу жараёнда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширувчи Ҳисоб палатасининг роли тобора ошиб бормоқда. Маълумки, Палатага марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, қонунбузарлик ҳамда суиистеъмолликларнинг олдини олиш чораларини кўриш каби қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, Ҳисоб палатаси томонидан ҳар йили Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолияти ҳам ўрганилиб, партиянинг молиявий фаолияти юзасидан тегишли хулосалар тайёрланмоқда. Ана шу назорат тadbирлари натижаларидан келиб чиқиб, партия Сиёсий Кенгаши ўз молиявий фаолиятининг келгуси страте-

гиясини белгилаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўраётди.

Жорий йилда олиб борилган назорат тadbирларида ҳам асосий эътибор ҳудудий партия ташкилотлари ҳисобида молиявий ва бошқа маблағларнинг тўлиқ тушиши, бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишига қаратилди. Ўтказилган текширишлар жараёнида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан айрим молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, уларнинг аксарият қисми комиссиянинг кўрсатмалари асосида бартараф этилди.

Семинар давомида партия фаолиятида партиявий ва молиявий интизомни кучайтириш, ҳужжатларни расмийлаштириш, улар билан ишлаш, архив ишини юргизиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, рўйхатга олувчи орган олдидаги ҳисобдорликни тўлиқ таъминлаш, партия кенгашлари томонидан офисларни ижарага олиш, партия кадрларини ўриндошлик асосида ишга олиш ва уларга иш ҳақи тўлаш тартиби, молиявий ҳисоботларни тайёрлашда камчиликларни бартараф

этиш амалиёти каби масалалар муҳокама этилди. Уларнинг бу йўналишдаги фаолиятини тартибга солиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, яқунланган йил партия бюджети ижроси таҳлил этилиб, амалдаги йил бюджетининг асосий йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан партиянинг Қашқадарё, Наманган вилояти ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари бош ҳисобчилари бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, аъзолик бадалларининг қонун доирасида тушумини ташкил этиш, тижорат ташкилотлари билан шартномавий муносабатларни олиб боришдаги амалий тажрибалари юзасидан фикр алмашилди.

— Мазкур семинар орқали сиёсий партияларни молиялаштиришнинг қонуний асос-

Тadbир давомида иштирокчилар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Илҳос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири

Долзарб масала муҳокама этилди

Давоми. Бошқ. 1-бетда

Партия гуруҳининг дастлабки йиғилишида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Энг аввало, вазифалар тақсимланди, 2015 йил учун белгиланган иш режаси тасдиқланди. Шундан сўнг амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Иш режасида ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўриб чиқиш, бунда сайловчиларнинг талаб-истакларини инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилди. Партия гуруҳи йиғилишида яқинда кўриб чиқилган илк масала ҳам депутатларнинг фуқаролар билан учрашувларида кўтарилган мавзу асосида шаклланди. У ҳам бўлса, туман марказидаги кўп қаватли уйлар жойлашган «Қорасув» маҳалласидаги ободончилик ишлари ва санитария ҳолати эди. Йиғилишда Ўзбекистон «Адолат» СДП туман кенгаши фаоллари, фуқаролар йиғини вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Дастлаб депутатлик гуруҳи аъзоси Насибхон Мамадалиевнинг ахбороти тингланди. Маълум бўлишича, бу ерда тўққизта ўн олти хонадонли уй бор. Уларнинг атрофини ободонлаштириш жуда зарур, санитария ҳолати эса атроф-муҳитни булғаб келмоқда. Аҳоли масъулиятни туман ободонлаштириш бошқармасига, бошқарма эса хонадон эгаларига юклайди. Канализация тармоғининг ишламаслиги ҳам жиддий муаммага айланган. Сабаби: у барпо этилган пайтдаёқ бош тармоққа уланмай, иш чалалигича қолиб кетган.

Тўғри, юқорида эйр этилган масалалар бўйича ҳудуддаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари маълум даражада иш қилишлари мумкин эди. Аммо кейинги пайтда уларнинг фаолияти ҳам сезилмайди.



Йиғилишда сўзга чиққан туман газетаси ходими Камола Жўрабоева мазкур маҳалладаги, қолаверса, туман марказидаги санитария ҳолати юзасидан ўтган йили ҳам «Янгикўрган ҳаёти» саҳифаларида танқидий чиқишлар қилинганини айтди. Лекин ҳозиргача вазият ўзгармагани билдирилаётган фикрлардан кўриниб турганини баён қилди. Депутатлар гуруҳининг аъзоси Иброҳимжон Маматқулов, Ўзбекистон «Адолат» СДП туман кенгашининг раиси Дилафрўз Тўхтасинова, «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Турғунова ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида партия гуруҳи етакчиси Дилбар Асқарова бу масала долзарблигини таъкидлади. Шунинг билан тугиб, йиғилиш қарорига кўра туман марказидаги ободончилик ишларининг аҳоли тўғрисидаги масала тегишли доимий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида муҳокама этиш учун депутатлик гуруҳи томонидан тақдим қилинди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

Нуронийлар саёҳат қилиши

Эътибор

Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, меҳр-оқибатли бўлиш маънавий ҳаётимизнинг мустаҳкам мезонларидан бирига айлангани бежиз эмас.



Яқинда халқ депутатлари Сайхунобод туман Кенгашига «Адолат» СДПдан сайланган депутат Маҳмуд Мустафоев ташаббуси ва Сирдарё вилоят партия кенгаши ташкилотчилигида тумандаги «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда умргузаронлик қилаётган 50 нафар ёши улуг отахон ва онахонларимиз Самарқанд шаҳрига саёҳат қилишди. — Юртимиз тинч-осуда, хонадонларимизда файзу ҳаловат, барака бисёр, шундай кунларга етказганига шукр қиламиз, — дейди меҳнат фахрийси Сония момо Аҳмедова. — 2014 йилги сайловда маҳаллий Кенгаш депутатлигига «Адолат» партияси номзоди Маҳмуджон сайланган эди. Шундан буён Маҳмуджон ҳудудимизга тез-тез келиб

туради, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳақида бош қотириб, доим ҳаракат қилади. Шунинг баробарида у ҳудуддаги меҳнат фахрийлари, кексаларни ҳам асло эътиборидан четда қолдирмайди. — Тарихий обидаларни бориб кўрганга нима етсин?! Самарқанд шаҳрига саёҳатга чиқиб, шу нарсага амин бўлдимки, юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда, обод бўлмоқда, — дейди кекса ўқитувчи Хусан ота Сулаймонов.

Партиямиз фаоллари бундай хайрли ишлар билан кексаларнинг кўнглини кўтариб, уларга меҳр ва эътибор кўрсатишмоқда.

Шухратжон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сирдарё вилояти кенгаши
матбуот қотиби

Ҳамкорлик

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг мустаҳкамлиги ҳар бир хонадондаги тинч-тотув ҳаёт, ёш авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда туман хотин-қизлар кўмиталари, тиббиёт бирлашмалари, «Қамолот» ЁИХ, таълим-тарбия муассасалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш йиғинлари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган очиқ ва самимий мулоқотлар, мутахассислар иштирокида тиббий профилактик тadbирларни ўтказиб боришга эътибор қаратилмоқда.

Бундай тadbирларимизда янги ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ҳар бир йигит-қизга, оила ва унинг жамиятдаги ўрни, оила қуришнинг ўз қонун-қоидалари тушунтирилаяпти. Албатта, ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибаси, бугунги замон талаби ва келажак авлод соғлом бўлишига жиддий масъулият билан қараш зарурлигини назарда тутиб, фикр-мулоҳаза юритилмоқда.

Айтиш лозимки, яна бир жиҳатга, айниқса, ёшлар эътиборли бўлиши зарур. Айрим ёшларнинг никоҳни расмийлаштирмасдан туриб фарзанд кўриши ҳолатлари, онда-сонда бўлса ҳам, қузатилди. Бундай ҳолатлар кейинчалик оталикни белгилаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқ-



раётгани ҳам бор гап. Учрашувларда ота-оналарга ва ёшларга шулар хусусида мутахассислар тушунтириш бермоқда.

Қанлиқ туманидаги «Жайхун» қишлоқ врачлик пунктида «Адолат» СДП Қанлиқ туман кенгаши томонидан ўтказилган «Оилада соғлом тиббий ва маънавий муҳитни шакллантиришнинг аҳамиятли масалалари» мавзусидаги тadbирда ана шулар хусусида сўз борди. Унда «Жайхун» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи оилалар вакиллари, нуронийлар ва тарбиячи-устозлар, тиббиёт ходимлари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда ота-оналарнинг, тиббиёт соҳаси вакиллари билан бир қаторда таълим-

сирасига кирганлиги боис, олис қишлоқларимизда ҳам аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат даражаси кундан-кунга ошиб бормоқда, — деди халқ депутатлари Қанлиқ туман Кенгаши депутати Гулшира Баширова. — Бундай гамхўрликлар ва имкониятлар натижасида юртимизда халқимизнинг узоқ умр кўриш кўрсаткичлари йилдан-йилга ошмоқда. Ўз электоратининг кўп қисминини тиббиёт ходимлари ташкил этаётган «Адолат» партияси ҳам тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этмоқда.

— Биз нуронийлар ҳам тўй-маърака ва бошқа тadbирларда бўлганимизда, албатта, ёшлар онгига тиббий ва экологик маданиятни сингдиришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз, — дейди «Жайхун» ҚФЙ фаолларидан меҳнат фахрийси Тилепбой Бердимуратов. — Очигини айтганда, бирор маслаҳат ёки тавсия беришдан аввал унинг фойда-зарарини киши ўзида синаб кўрган бўлиши даркор. Чунки шунча ёшга кириб, бирор қўчат ўтказиш ва уни парвардилашни билмай туриб, ёшларга қўчат экиб, боғ яратиш ҳақида маслаҳат бериш ноўрин бўлади. Демак, ота-оналар, энг аввало, тиббий ва экологик маданиятга ва маънавиятга бўлишлари, биздай катта ёшдагилар кўпчиликлари ибрат кўрсатиб юрмоғимиз лозим. Ҳар бир ота-она ўз хонадонда ёшларни қонуний никоҳни қадрлашга ундаши мақсадга мувофиқдир. Негаки, оила мустаҳкамлигида ҳар биримиз масъулмиз.

Зеро, оила муқаддас кўрган, никоҳ уни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асосдир.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши матбуот қотиби

Оила мустаҳкамлиги

ҳар биримиздан масъулият талаб қилади



Ҳамкорликнинг самарали натижалари

Давоми. Бошқ 1-бетда

Шунингдек, партия етакчиси давлатимиз раҳбарининг фармонда қайд этилган бир қатор вазифалар "Адолат" СДП Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга бевосита алоқадор эканлигини қайд этди.

— Партиянинг Сайловолди дастурида сиёсий ҳаёт барқарорлиги ва ижтимоий тараққиёт фақат тадбиркорлар ва ёлланма ходимларнинг ҳамкорлиги ҳамда шериклиги асосида таъминланиши ва бунда улар ўзaro манфаатларини ҳисобга олишлари лозимлиги қайд этилган, — деди Н.Умаров. — Бундан ташқари, бугунги кунда тадбиркорлар ўз ходимлари учун зарур ижтимоий, технологик, таълим шароитларини яратишга маъсул, чунки бусиз иқтисодий тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Бундай қулай шароитларни яратиш ходимларнинг сарфлаган меҳнатининг қайта тикланиши учун ниҳоятда зарурдир. Давлат тадбиркор ва ёлланма ходимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш асосида жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий ҳимоя билан таъминлайди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қувватлов билан мунтазам равишда ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, айнан

республика Марказий банки билан ҳамкорликдаги фаолият ўзининг ижобий самарасини беришига ишончимиз комил.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратиш, ушбу соҳадаги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳам, айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан мақсадларимиз муштарак бўлиб, ўз навбатида, бизни янада самарали ҳамкорликка ундайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз фармони ижросини таъминлаш, ушбу соҳада Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳам, айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, бўлгуси вазифаларимиз хусусида фикрлашиб олиш мақсадида ушбу тадбирнинг ташкил қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, Президентимиз фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш вазифаси алоҳида қайд этилган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсиқлик қилиш, хусусий

мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жинсий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштиришга оид вазифалар белгиланган.

Тахлилларга кўра, сўнгги ўн йил ичида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 21 баробар, микрокредитлар ҳажми эса 42 баробарга ўсди. Бу эса тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятини сезиларли даражада ортганидан далолатдир. Шу нуктаи назардан мазкур фармонда банк кредитларини янада ошириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш алоҳида белгилангани, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга оширилган 33 та аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланиши, ушбу дастурга киритилган чора-тад-

бирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик маъсул ижрочиларга юклатилиши республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан оширишга ҳизмат қилади. Хусусан, ушбу фармонга мувофиқ, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллионлар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календар кунидан оширилди, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширувлар фақат сўнгги режали текширувдан кейинги даврни қамраб олиши мазкур ҳужжатда ўз аксини топган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти эркинликларига кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъий ижро этилишида қабул қилинган нормаларни амалиётга жорий этиш устидан назоратни кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун ваколатли назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг маъсулиятини ошириш борасидаги вазифаларнинг белгиланиши Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан мутахассислар томонидан Президентимизнинг мазкур фармони мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Амалий руҳда ўтказилган учрашув якунида мазкур фармон ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Соодат СОДИҚОВА,
«Adolat» муҳбири

Фуқароларнинг таклиф ва мурожаатлари доимий эътиборда

Давоми. Бошқ 1-бетда

Жумладан, фуқароларнинг мурожаатлари асосида Яшнобод тумани 35-Тузел сайлов округи ҳудудида жойлашган "Мустанкилликнинг 10 йиллиги", "Ал-Бухорий", "Алишер Навоий", "Баҳор", "Бобур", "Моҳинур", "Усмон Носир", "Парвоз" маҳаллалари ҳудудини ободонлаштириш мақсадида чиқинди йиғиш пунктлари мониторинг қилинди. Мониторинг натижасига кўра, мавжуд масалаларга ижобий ечим топиш юзасидан режа ишлаб чиқилиб, туман ободонлаштириш ҳамда "Махсустрас" туман бўлими раҳбарига депутатлик сўрови юборилди. "Баҳор" ва "Парвоз" номи МФЙ ҳудудидаги зарур жойларга усту ва ёриткичлар ўрнатиш ва бошқа шу каби мазмундаги мурожаатлар депутат томонидан мазкур маҳаллалар фаоллари билан биргаликда жойида ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан 35-сайлов округи ҳудуди аҳолисига хизмат кўрсатувчи тегишли ширкатларнинг ҳамда "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси Яшнобод туман ҳамда "Тошшаҳарнур" бўлими раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди. Натижада мазкур муаммоларни бартараф этиш тадбирларига киришилди.

Шунингдек, депутатнинг ўз сайловолди дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб ҳамда сайловчиларнинг ҳудудда бўш ер майдонлари, бинолардан мақсадли фойдаланиш юзасидан мурожаатларида билдирилган таклифлари асосида хайрли ишлар қилинаётгани ҳам эътиборга молик. Шундай мурожаатлардан бирида тумандаги 165-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини қайта реконструкция қилишга зарурат борлиги хусусида сўз юритилган. Бу масала депутат томонидан атроф-ичка ўрганилгандан сўнг, Тошкент шаҳар ҳокими депутатлик сўрови юборилди. Муҳими, ушбу масала ижобий ечим топмоқда. Мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишлаб чиқилган тегишли дастур лойиҳасига мазкур бинони реконструкция қилиш масаласини ҳам киритиш чоралари кўрилмоқда.



Ташаббускор депутат 2015 йилда амалга оширилган иш режасини ишлаб чиққан, унда "Авиасозлар" 2-мавзеси, 59-кўп қаватли уй олдидаги 40 сотихга яқин бўш ер майдонини обод қилишга ва бу ерни аҳоли учун ҳордиқ оладиган сўлим масканга айлантиришга қаратилган вазифа ҳам борлиги диққатимизни тортди. Депутат бу ишга астойдил киришаётганлигини унинг шу жойини қўқаламзорлаштиришга доир бир неча эскизларни тайёрлаганидан ҳам англайди.

— Яшнобод тумани 35-Тузел сайлов округидан сайланган депутат Фарҳод Абдуллаев ҳудуд ободлиги ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган. Айниқса, округ ҳудудидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар, ташаббускор тадбиркорлар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бормоқда, — дейди "Усмон Носир" МФЙ раиси У.Сафаров. — Албатта, партия билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, унинг сиёсий майдондаги мавқеини мустаҳкамлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари алоҳида ўрин тутди. Бунинг амалий тасдиғини Ф.Абдуллаевнинг депутатлик фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, депутат ўз ваколатларидан унумли фойдаланиб, фуқароларнинг манфаатларини рўйбга чиқариш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Феруз ЖҲРАЕВ,
"Adolat" муҳбири

Тараққиётимизга доир ҳар бир янгилик зиммамизга янги вазифаларни юклайди

Давоми. Бошқ 1-бетда

Бугун барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик қарорларида ушбу йиғилиш қарорлари чўқур алоҳида эътиборга ийналтирилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар қўшма йиғилиш қарорларида ўз аксини топган.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида белгиланган кичик бизнесни ривожлантириш бўйича барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик

учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишга доир вазифалар партияимиз Сайловолди дастуридаги устувор йўналишларга мослиги билан аҳамиятлидир.

Шу нуктаи назардан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик қарорлари ҳамда ҳудудий партия ташкилотларимиз олдида, энг аввало, мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш вазифаси турибди.

Шу билан бирга, зиммамизга депутатлик бирлашмаларимиз орқали давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, барча даражадаги партия ташкилотлари билан ҳамкорликда хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган партия электоратининг қонуний манфаатлари, хусусан, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, муносиб меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат шартномаларига амал қилиниши, меҳнатдан ажралмаган ҳолда касбий малакани ошириш бўйича таълим олиш ҳуқуқлари таъминланиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ маъсулиятли вазифалар юкланмоқда. Ўз навбатида,

ушбу йўналишда амалга оширилган ишларимиз ва назорат-таҳлил фаолиятимиз орқали партияимизнинг парламентдаги фракциясига тегишли таклифларни киритишимиз талаб этилмоқда.

Шунингдек, қўшма йиғилишда давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 27-28 май кунлари Корея Республикасига расмий ташрифи давомида имзоланган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бўлгуси фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилаш, бу орқали партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ишончли самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама этилди. Чунки, айнан ушбу ташриф давомида имзоланган икки томонлама манфаатли келишув ва битимлар бир қатор дастурий мақсадларимизни амалиётга татбиқ этишга қўмақлашиши билан биз учун аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Корея Республикаси билан мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ушбу соҳаларда малакали мутахассислар тайёрлаш, шу билан бирга, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен", "Жиззах" махсус индустриал зоналарида бир қатор йирик инвестицион лойиҳалар, муқо-

бил энергетика, автомобилсозлик, нефть-кимё соҳаларида ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимизнинг ушбу давлатга навбатдаги ташрифи давомида ҳам икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кўзда тутувчи 60 та ҳужжат имзоландики, улар Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бўлгуси фаолиятида устувор йўналишларни белгилаш барча партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари ишончли самарадорлиги ва натижавийлигини янада оширишга хизмат қилади.

Жумладан, таълим муассасаларида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини янада ривожлантириш, ушбу соҳада етуқ мутахассисларни тайёрлаш тизимини, ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш каби вазифалар зиммамизга катта маъсулият юклайди.

Кореялик ҳамкорларимиз билан мамлакатимизда муқобил энергия манбалари, хусусан, кўёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш борасида қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётганлиги, умуман, кундалик ҳаётимизга энергиянинг муқобил турларини кенг жорий этиш зарурлиги охиб бо-

раётганлигини инобатга олиб, партияимиз томонидан илгари суриб келинаётган "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказишда фаол иштирок этишимиз зарур. Зеро, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциясининг ҳаракат дастурида ҳам мазкур қонун лойиҳаси тезроқ қабул қилинишига эришиш вазифаси белгиланган. Демак, жойларда мутасадди ташкилотлар, илмий жамоатчилик ҳамда аҳоли кенг қатламлари иштирокида муҳокама-ларни ташкил этиб, олинган таклифларни фракцияимиз орқали мазкур қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ва унинг тезроқ қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилишига эришимиз зарур.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда таълим соҳасида дастурий мақсадларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш, электрон ўқув-таълим дастурулари ва мультимедиа мақсулотлари микдори ва сифатини ошириш, олий ўқув юрталарининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, кичик инновацион корхоналар тузишни рағбатлантириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаолиятини ошириш, олий ўқув юрталарининг илм-фан, сановат ва иқтисод билан алоқасини кучайтириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишимиз лозим.

Умуман, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма йиғилишида қабул қилинган қарорлар ижроси партиянинг ҳар бир фаолидан, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатларидан фаоллик, дастурий мақсадлар ижроси йўлида собитқадамлик, ташаббускорликни талаб этади.

Омонилла ИБРАГИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
"Реле ва автоматика" АЖ директори

Изланиш — ютуқлар гарови

“Адолат”нинг адолатли аёллари

Сиёсий партиянинг шахар ва туман ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда кўп нарса, биринчи навбатда, етакчининг ўзига боғлиқлигини ҳар биримиз яхши тушунамиз. Албатта, биз бу ўринда, куйи ташкилот раҳбарининг ташкилотчилик ва одамларни ортдан эргаштира олиш қобилиятини, зарурат туғилганда, масалани тўғри баҳолай олиш ҳамда тезкор ҳулоса чиқариш ва дадил чоралар кўриш салоҳиятини назарда тутмоқдамиз. Шу билан бирга, ишда елкадош бўладиган фидойи маслакдошларни топиш ва мақсад-вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан беш йил илгари “Адолат” СДП Бағдод тумани кенгаши раислигига номзод кидирилганда айнан мана шулар ҳақида ўйлаб иш тутилган бўлса, ажаб эмас. Ташкилий масала ўз-ўзидан етилган эди. Чунки сайловларда халқ депутатлари туман Кенгашига биронта ҳам вакил сайланмаган, ташкилий-партиявий ишлар ҳам талабга жавоб бермасди. БПТлар фаолияти, бадаллар тушумига доир ҳолат ҳам жиддий ёндашувларни тақозо этарди.

— Мен ўша пайтда Маънавият тарғибот маркази туман бўлимида мутахассис бўлиб ишлардим, — дейди Муяссар Абдураимова. — Эндигина “Адолат” партиясига аъзо бўлганим. Унинг номи, дастури, ўз олдига қўйган вазифалари маъқул тушганлиги учун шундай қарорга келганим. Сиёсий куннинг оддий бир аъзоси сифатида фаол бўлиш фикрида эдим. Вилоят партия кенгашидан туман “адолатчи”лари етакчилиги бўлиш ҳақида таклиф тушганида бундай масъулиятли ишни ўддадай олармиканман, дея анча иккиландим. Ҳар қалай, ишонч билдиришибди, бу бежиз эмас. Демак, астойдил ҳаракат қилсам, кутилган натижага эришамиз, дея қатъий қарорга келдим.

Албатта, ҳеч бир иш ўз-ўзидан осон кечмайди. Ташкилот ишини тубдан қучайтириш шарт эди. Яхши ҳамки, маслакдошларимиз бор экан,

сай-ҳаракатлар аста-секин самара бериб, ташкилот фаолияти изчиллик касб эта бошлади. Янги бошланғич ташкилотлар тузишга киришилди. Аъзолар сафини кенгайтириш чоралари ҳам кўп ўтмай ўз натижаларини кўрсатди. Партиянинг гоя ва дастурларини тарғиб этадиган тадбирлар — давра суҳбатлари, учрашувлар, очик мулоқотларга алоҳида эътибор қаратилди. Албатта, бу ўринда Муяссарга Маънавият тарғибот бўлимида орттирган ноҳатлик ва ташкилотчилик тажрибаси кўп келди.

Дастлабки пайтлардан оқ сафга қўшилган маслакдошлардан Моҳирахон Сиддиқова ва Муҳиддин Валиев партиявий ишларда янги раҳбарга қўш қанот бўлишди. Уларни бежиз “Адолат” СДПнинг жонкуяр фаоллари, деб атамайди. Масалан, Моҳирахон “Олчин” маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, айлари пайтда туман партия кенгашида “Аёллар қаноти” етакчиси. Турли тадбирлар, кўрик-танловлар, кўргазмаларнинг фаол ташкилотчиси. Билим ва маҳоратини намойиш этишга интилади. Хусусан, 2013 йилда Ўзбекистон “Адолат” СДП тизимига ўтказилган “Партиянинг оқила аёли” кўрик-танловининг ғолиблигини кўлга киритган. Ўзи ишлаётган маҳалла фуқаролар йиғинида тузилган БПТга раислик қила



бошлаганига тўрт йил бўлди.

Муҳиддин Валиев эса ёш бўлишига қарамастан туман микросидаги ташкилотлардан бири, яъни хўжалик ҳисобидидаги “Ермулкадастр” давлат унитар корхонаси бошлиғи. Бу ердаги бошланғич ташкилот ҳам кўп жиҳатдан туман “адолатчи”ларига намуна бўлиб келмоқда. Партия аъзолари жамоатчилик юмушларини бажаришда, турли тадбирлар ўтказишда доим фаоллик кўрсатишдади. Бу, айниқса, ўтган йил охирида ўтказилган сайловларда яққол кўзга ташланди.

“Адолат” СДП туман кенгашидан халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига Муҳиддин Валиевнинг номзоди кўрсатилган. Сайлов оқруғидаги бошқа рақиблар ҳам салоҳиятли одамлар. Тарғибот-ташвиқот кампанияси даврида Муяссарнинг ўзи БПТ аъзоларини тўплаб, бир неча бор йиғилиш ўтказди. Ҳар бир маҳаллага партиядошларимиздан бириктирилди. “Адолат” партиясига хайрихоҳ кишилар ҳам аҳолини номзодини мизни қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

Энг муҳими, қилинган иш бесамар кетмади. Муҳиддин Валиев 3-Қўштегирмон сайлов округидан халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгашига депутат этиб сайланди. Умуман, Муяссар Абдураимо-

ва етакчилигидаги “адолатчи”лар бешта депутатлик ўрнини кўлга киритдилар. Ҳозирда халқ депутатлари туман Кенгашида “Адолат” СДПнинг депутатлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Агар 2009 йилда туман Кенгашида битта ҳам вакил бўлмаганлигини инобатга олсак, бу натижанинг салмоғи янада яққол намоён бўлади.

Қаҳрамонимизнинг жамоатчилик фаолияти доираси нақадар кенглигини тасаввур қилиш осон эмас. Унинг зиммасидаги масъулиятли вазифаларни санаб ўтишнинг ўзи анча вақт эгаллайди. У тумандаги фаол маънавият тарғиботчиларидан. Туман хотин-қизлар кўмитасида раёсат аъзоси. Бундан ташқари, “Шўроқер” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич хотин-қизлар ташкилотига раҳбарлик қилмоқда.

— Шу маҳаллада туғилиб-ўсганман, аёлларнинг тақдирини бефарқ қарай олмайман, — дейди Муяссархон. — Фаол хотин-қизлардан иборат тарғибот гуруҳи тузганмиз. Унинг аъзолари маҳалладошларимиз ўртасида тез-тез бўлиб, турли мавзуларда суҳбат ва мулоқотлар ўтказдилар. Мақсад — аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жинсчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш. Қизларимизга касб-хунар

ўргатиш, уларни ишга жойлаштириш ҳам доимий эътиборимизда.

Дарвоқе, Муяссар етакчилик қилаётган бошланғич хотин-қизлар ташкилоти туман ва вилоятдагина эмас, балки республикамизда ҳам танилиб улгурган. Яъни, 2014 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мазкур тизимда ўтказилган “Энг намунали хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти” республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди. М.Абдураимовага Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг биринчи даражали фахрий ёрлиғи тақдим этилди.

Муяссар эришилган натижалар билан кифояланмаган етакчилардан эмас. Бугунги кунда тумандан 19 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар таркибиде 369 нафар партиядошимиз бор. Партия фаоллари йил охирига қадар аъзолар сонини 500 нафарга етказиш, БПТлар сонини эса 25 тадан ошириш мақсадида ҳаракат қилишмоқда. “Адолат” СДП туман кенгаши амалга ошираётган гоявий-сиёсий ва ташкилий ишлар кўлами кенглиги ва таъсирчанлиги юқорилиги ана шу режалар рўйбга чиқишидан далolat бермоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Адолат» мухбири

Партиядошларимиз


Жалақудуқлик партиядошимиз Ўфилой Чўлпонова ўз ишини пухта билиши, фидойилиги туфайли хурмат толаётган оддий касб эгаларидан. У бир неча йилдан буён Жалақудуқ туманидаги «Kurganteks» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилиб, жамоадолшларига ўрнатилган бўлмоқда.

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ

ИШ ВА СЎЗДА МУЖАССАМ

Мазкур корхонада 2014 йилда 1707 тонна калава ип тайёрланиб, шундан 3 миллион 413 минг АҚШ доллар миқдоридеги маҳсулот Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинди. Бу модернизация тадбирларининг амалга оширилиши, замонавий дастгоҳлардан тўқувчилар унумли фойдаланиши самарасидир.

Жамоа жорий йилнинг биринчи чорагида 800 тоннадан зиёд калава ип тайёрлади, 1 миллион 300 минг долларлик маҳсулот хорижга чиқарилди. Бундай салмоқли кўрсаткичда Роҳила Якубова, Мавжуда Эргашева, Муаззам Юнусова, Ҳалима Ўринбоева каби малакали тўқувчиларнинг ҳам ҳиссалари бор, албатта.



— Ўз касбим билан доим фахрланаман. Корхонамиз маҳсулотларига хорижий ҳамкорларнинг талаби ортиб бораётгани бизни янада самарали ишлашга ундайди. Маҳсулот сифатига бўлган эътиборимиз ҳам ошиб боради, — дейди пешқаддам тўқувчи Ў.Чўлпонова. — Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси сифатида ҳам ҳамкасбларим ва маҳалладошларим орасида доим давлатимизнинг бугунги сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар ва фуқаролик масъулияти борасида тушунтириш ишларини олиб бораман. Бу борада “Адолат” СДП туман кенгаши фаоллари бизга доимий кўмак бериб келмоқда.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилояти

Эътибор ва ғамхўрлик ўз ифодасини топмоқда

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Шарқда қадимдан кекса авлоднинг ҳаётий тажрибаси, уларнинг панд-ўғитлари эъзозланиб келинган. Бундай эзгу муносабатлар халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган.

Шу сабабли бўлса керак, элимизда “Қари билганини пари билмас”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” каби ҳикматлар асрлар оша яшаб келмоқда.

Мустақиллик йилларида бизнинг минг йиллик аъёнларимиз қайта тикланди. Ўзаро муносабатларда, муомала маданиятида яна қадимий қадриятларимиз юз кўрсата бошлади. Бу жараённинг яна бир қўрнини сифатида ҳар бир йилга Юртбошимиз таклифи билан алоҳида номлар берилганганини қайд этиб ўтиш жоиз. Зеро, бундай ёндашув муайян йилнинг ўзига хослигини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда мазкур йўналиш бўйича катта тадбирларнинг амалга ошишига ҳам мустаҳкам замин яратди.

Маълумки, жорий йилнинг 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Дастурда кексаларга ғамхўрлик қилиш ва эътиборни қучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш, ёши улғу инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизмати кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш бўйича катта чора-тадбирлар белгиланди.

Айни пайтда юртимизда фахрийлар ва ёши улғу инсонларга тиббий, ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини қўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак қон-томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан камраб олиш, улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан ҳам кенг қўламли ишлаб олиб боришмоқда.

Энг муҳими, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган чора-тадбирлар мамлакатимизда режа асосида амалиётга босқичма-босқич таътиб этилмоқда.

Шахло ҲАМРОЕВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси

Соғлом рақобат ва иштиёқни қучайтириш йўлида

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан “Билимлар беллашуви”нинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар йўналишида 5-8 синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилган мактаб, туман, вилоят босқичларида саралаб олинган 500 нафар ўқувчи беллашувнинг республика босқичида иштирок этди. Ҳалилар “Езги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи”да дам олиш йўлланмасини кўлга киритди.

“Билимлар беллашуви”дан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини куйи синфлардан бошлаб аниқлаш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг фаолиятини баҳолашдан иборат. Филология фанлари йўналишидаги беллашувнинг республика босқичи жорий йилнинг 29-30 июнь кунлари ўтказилиши белгиланган.

Бобур ТУНГАТОВ,
«Адолат» мухбири

“Адолат” соврини учун” кураш мусобақаси ўтказилди

Мусобақа

Самарқанд вилояти Тайлоқ Олимпия захиралари коллежида Ўзбекистон “Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси Самарқанд вилоят бўлими ҳамкорлигида 2000-2001 йилларда туғилган, 32, 35, 38, 42, 46, 50, 55 ва 60 килограмгача бўлган вазн тоифасидаги ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйича “Адолат” соврини учун” спорт мусобақаси ўтказилди.

Унда вилоят спорт мактаблари ҳамда спорт тўғрақларидан юздан ортиқ қатнашчилар иштирок этишди.

Туман ҳокимлиги вакиллари, партия фаоллари, ота-оналар ва ОАВ ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда қайд этилганидек, вилоятда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг белбоғли кураш турини оммалаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилган ишлар кенг қўлаб олиб борилади. Бу эзгу сай-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодчи соғлом, бақувват ва баркамол қилиб тарбиялашга кўмаклашиши билан бирга спортнинг ушбу тури бўйича ўсмирлар ўртасида вилоят терма жамоасини шакллантиришда ўз самарасини бераётди. Кураш бўйича иқтидорли ёш спортчиларни саралаш ва рағбатлантириш, уларни келгусида муносиб издошлар қилиб тарбиялашга ҳисса қўлишни мақсад қилган вилоят партия кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими фаоллари ҳам бу борадаги ишларда ташаб-



бускорлик кўрсатишмоқда.

Чинакам шижоат, куч ва маҳорат баҳсига айланган ушбу мусобақада Жавоҳир Худойназаров (32 кг.), Шаҳзод Эргашев (35 кг.), Жавоҳир Худойназаров (38 кг.), Шаҳзод Давронов (42 кг.), Шерзод Тоштемиров (46 кг.),

Аслон Раҳимов (46 кг.), Қаҳҳор Хошимов (55 кг.), Музроб Элмирзаевлар фахри 1-уринларни эгаллашди. Шунингдек, иштирокчилардан 8 нафари иккинчи ўринга, ҳар бир вазн тоифаси бўйича иккитадан учинчи ўрин белгилангани боис 16 нафар қатнашчилар учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ҳалилар “Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси вилоят

нинг турли туманларидан келган 600 нафардан зиёд ўқувчилар таълим-тарбия олиб, спорт силарини ўрганишмоқда, — дейди Тайлоқ Олимпия захиралари коллежи директори, халқаро тоифадаги спорт устаси Баҳодир Бердиқулов. — Улар кўплаб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. “Адолат” соврини учун” ўтказилган ушбу қизиқарли беллашувлар ҳам ёшларимизнинг шу вақтгача олган билим ва маҳоратларини санаб кўришлари учун яна бир имкон бўлди ва уларни янги марраларга эришишга ундади.

— Мен ҳам шу коллежнинг биринчи қалдирғочлариданман, — дейди федерациянинг виллоят бўлими мураббийси Хусниддин Маманов. — Самарқанд давлат университетини тугатиб, қадрдон коллежга ишга келдим ва ҳозирда ёшларга белбоғли кураш бўйича сабоқ бермоқдаман. Коллежимиздан бугунгача 5 та жаҳон чемпиони этишиб чиққанлиги ўқувчиларга катта ибрат бўлиб, уларнинг ҳам шундай ютуқлар сари интилишларини қучайтирмоқда.

Кўтаринки руҳда ўтган спорт мусобақаси ота-оналар ва спорт ихлосмандларига завқ бағишлаб, ёшларнинг спортга бўлган иштиёқини оширди.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Самарқанд вилояти кенгаши матбуот котиби

Партия билан ҳамкорликда аҳоли соғлиғи муҳофазаси қилинмоқда

Матбуот анжумани


Травматология ва ортопедия республика илмий-текшириш институти Ўзбекистон "Адолат" СДП билан ҳамкорликда "Болаларда ясситовонлик ва сколиоз касалликларининг олдини олиш" масаласига бағишланган анжуман, давра суҳбатларини ўтказиб келмоқда.

— Самарали ва ишчан руҳда ўтаётган бундай тадбирларда болалар ўртасида мазкур касалликларнинг профилактикасига доир тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари жонлантирилди. Эл-юрт саломатлигига, миллат генофондига бефарқ бўлмаётган мазкур сиёсий партия билан ўрнатилган ижтимоий шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди мазкур илмий-текшириш институти директори Мирҳаким Азизов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан "Ўзбекистон травматологияси: ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифалар ва бу борада эришилган натижалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов, травматология ва ортопедия соҳасида фаолият юритаётган етук ва тажрибали мутахассислар, республикамиздаги тиббиёт муассасалари раҳбарлари иштирок этган мазкур тадбирда мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида эришилган ютуқларни травматология ва ортопедия соҳалари мисолида ҳам яққол кўриш имконлиги қайд этилди. Хусусан, республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам, яъни қишлоқ врачлик пунктларида, қолаверса,

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиалларида аҳолига травматологик ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада травматологияда энг оғир масалалардан бири ҳисобланмиш политравма (кўп сонли оғир жароҳатлар) муаммосини ҳал этишга эришилди, ўлим ва ногиронлик ҳолатлари кескин камайди.

Анжуманда таъкидланганидек, бугунги кунда республикада травматология ва ортопедия фани ва амалиёти соҳасида 1277 нафар мутахассис фаолият кўрсатаётган бўлиб, фан докторлари, фан номзодларининг сони сўнгги 20 йил оралиғида икки баробарга ортди. Бу эса белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилаётган эътиборнинг қай даражада эканини кўрсатади. Бундан ташқари, соҳа мутахассислари ривожланган мамлакатлардаги йирик илмий марказлар ва етакчи мутахассислар билан узвий алоқа ўрнатиши орқали суяк синишлари ва касалликларини диагностика қилиш ва даволашнинг замонавий технологияларини, илғор фан ютуқларига асосланган усулларни қисқа муддатда ўзлаштиришди. Рақамлар ёрдамида изоҳланадиган бўлса, мустақилликка қадар суяк синишларини жароҳлиқ усулида даволаш 10-12 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб республика ихтисослаш-



ган травматология бўлиmlарининг жароҳлиқ фаолияти 50-фоиздан, йирик марказларда эса 70 фоиздан ошиб кетганини қайд этиш лозим. Ортопедик касалликларни даволашда ҳам илғор усулларни қўллаш бўйича муайян тажриба тўпланиб, республикамиз аҳолиси ўртасида учрайдиган йирик бўғимлар артрозлари деб аталувчи касалликларни даволаш учун эндопротезлаш (сунғий бўғим ўрнатиш) операцияси бир неча ихтисослашган клиникаларда кенг татбиқ этилмоқда. Бугунги кунга келиб, минглаб беморларда муваффақиятли операция амалиётлари ўтказилиши натижасида улар нормал ҳаётга, доимий меҳнат фаолиятига қайтишди. Тизза бўғимлари жароҳатлари ва касалликларини артроскопик усулда операция қилиш амалиёти ҳам 10 миңдан орტიқ беморларда ўтказилди.

— Юздан ортиқ мутахассислар АҚШ, Англия, Германия, Италия, Швейцария, Корея, Туркия, Польша, Россия каби

хорижий давлатларда малака ошириб, эгаллаган билимлари мамлакатимизда татбиқ этилиши, тиббиёт муассасалари янги юқори технологиялар билан таъминланиши натижасида беморларнинг хорижга боришига зарурат қолмади, — деди анжуманда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Бундан ташқари, Травмато-

логия ва ортопедия республика илмий-текшириш институти, олий ўқув юртлари кафедраларининг травматолог-ортопед олимлари томонидан амалга оширилган илмий дастурлар доирасидаги изланишлар натижасида кейинги 10 йил ичида 50 дан ортиқ оригинал даволаш усуллари ишлаб чиқилди ҳамда тиббиёт амалиётига татбиқ этилди.

Анжуманда яқин истиқболда ечимини кутаётган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Хусусан, эндопротезларнинг янги конструкцияларини (гемиартропластика), туғма сколиозни оператив даволаш технологияларини ўзлаштириш, ясситовонликнинг оғир шаклларида операцияларни кенг йўлга қўйиш, интраоперацион нейромониторинг усулини жорий этиш, болаларда сон суяги туғма чиқишини ультратовуш текширувлари орқали барвақт аниқлаш тизимини видоётларга ёйиш ва бошқа шу сингари масалаларни ҳал этиш юзасидан сўз юритилди.

Баҳора РАҲМОНОВА,
журналист

Қисқа сатрларда

Фармацевтика саноатига янги инвестиция

"Ўзфармсаноат" ДАК томонидан онкология, сил, юрак қон-томир тизими, руҳий ва бир қатор бошқа касалликларни даволаш учун дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича чоратадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 222,52 миллион АҚШ долларига тенг 48 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, улардан 23 тасини 2015 йилда яқунлаш режалаштирилган.

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариладиган дори воситаларини клиник тадқиқотлардан ўтказиш, шунингдек, фаол таъсир қилувчи моддаларни яратиш соҳасида изланишлар олиб борувчи 15 та илмий-тадқиқот институти ва марказлар фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан сўнгги йилларда 40 дан ортиқ янги турдаги препаратлар яратилган ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

35 та

касб-ҳунар коллежлари қайта ихтисослаштирилади

2014-2015 ўқув йилида мамлакатимиздаги 1403 та касб-ҳунар коллежларини 482 598 нафар ўқувчи битиради. Мазкур битирувчиларнинг 475,4 миң нафари (98,5 фоизи) билан 206, 8 миңга корхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартнома тузилган. Шунингдек, 1745 нафар битирувчиларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун тижорат банклари томонидан 25,7 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Янги ўқув йилида умумтаълим мактабларини 483 216 нафар 9-синф ўқувчилари тамомлаётган бўлиб, уларнинг 32 555 нафари (6,7 фоизи) академик лицейларга, 450 661 нафари (93,3 фоизи) касб-ҳунар коллежларига қабул қилиниши белгиланган.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозим, янги ўқув йилида 35 та касб-ҳунар коллежлари қайта ихтисослаштирилади, қурилиш-коммунал, хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат, енгил саноат соҳалари йўналишларидаги ўқув муассасаларининг қабул квоталари кўпайтирилади. Соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббий ижтимоий ёрдам соҳалари йўналишларига қабул сони камайтирилди.

2015 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш учун 90 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,
«Adolat» муҳбири

Ҳакамлик судлари:

амалиёт ва истиқболдаги режалар

Ҳуқуқ

Жаҳонда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, савдо-сотик ва инвестиция алоқаларининг янада кенгайиши ушбу соҳаларда ютуқлар билан бир қаторда, айрим ўзига хос низоларни ҳам юзага келтирмоқда. Бу табиий ҳолат. Ушбу низоларни муқобил йўллар билан қисқа муддатларда ҳал қилиш учун ҳакамлик (арбитраж) судларига бўлган эҳтиётнинг ошаётгани ҳам ҳеч биримизга сир эмас.

Республикамизда бу соҳаларда учраётган низоларни имкон қадар тез ва самарали ҳал этишда Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан қабул қилинган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу қонун низоларни давлат судларидан ташқари, ҳакамлик тартибда ҳал этишни тартибга солиди. У 9 боб ва 59 моддадан иборат бўлиб, умумий қондалар, ҳакамлик судлари томонидан ҳал этиладиган низолар, ҳакамлик битими, ҳакамлик судьялари, ҳакамлик судининг таркиби, низоларни мазкур судда ҳал этиш билан боғлиқ харажатлар, ҳакамлик муҳокамаси, ҳакамлик судларининг қарорларини ижро этиш тартиби каби бир қатор масалаларни ўз ичига олади.

Қонуннинг мазмун-моҳияти ва мақсади мамлакатда бозор ислохотларини чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъмин этиш, демократик тамойилларга қатъий риоя қилиш ва фақаролик жамиятининг асосларини мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Халқаро ҳуқуқда "Низоларни муқобил йўллар билан ҳал этиш" тушунчаси мавжуд бўлиб, ҳакамлик судлари мазкур тушунча доирасига кириди ва давлат судларидан мустақил тарзда, низоларни янгича усул билан бартараф этишни кўзда тутади. Мазкур институт мамлакатимизда ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳакамлик судлари ассоциацияси тизимида 155 дан ортиқ ҳакамлик судлари мавжуд. Тахлил ҳакамлик судларига тадбиркорлик субъектларининг муносабатлар динамикаси ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент шаҳар филиалининг онлайн маълумотларига кўра, ўтган йил мобайнида улар томонидан 11 миллиард 600 миллион сўмлик 626 та даъво аризаси кўриб чиқилган ва 3 миллиард 586 миллион сўмлик 250 та ариза қаноатлантирилгани фикримизни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мазкур ҳуқуқ институтининг қисқа муддатларда шундай ривожланиши барчамизни қувонтиради, албатта. Чунки ҳакамлик судлари, аввало, низолашаётган томонларни яраштириш йўли билан ўзаро келиштиришни ва то-



монларнинг иш фаолияти, обрў-эътиборига путур етказмаслик чора-тадбирларини кўради.

Шу ўринда ҳакамлик институтларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Япония, Франция, Германия, АҚШ каби ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Мисол учун, юқорида санаб ўтилган мамлакатларнинг ҳакамлик судлари тизимида гибрид "мед-арб" жараёни мавжуд бўлиб, бу тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган иқтисодий низоларни ечиш учун асосий воситалардан бири бўлиб келмоқда. Медиация ва арбитражни ўзида жамланган ушбу процесс низолашаётган томонларни ўзаро келишувга қўндиришга ҳаракат қилади. Агарда мавжуд низони медиация йўли билан ҳал этишниннг имкони йўқ деб топилган тақдирда, шу суднинг ўзи маълум бир кунни белгилайди ва ишни тўғридан-тўғри ҳакамлик боқичида кўриб чиқади. Ҳаммамизга маълумки, жаҳоннинг етакчи давлатларидан бири бўлган Японияда тижорат

ва савдо-сотик муносабатлари етарли даражада ривожланган ва кунчиқар давлат ҳуқумати имкон қадар низоларни "мед-арб" муқобил йўли билан ҳал этишга интилади. Чунки, ишларни медиация тартибда ҳал этиш низолашаётган томонлар учун бир қатор афзалликлар яратади. Агарда, низони медиация йўли билан бартараф этишнинг имкони топилмаса, шу суднинг ўзи томонларнинг розилиги билан арбитраж тартибдаги ўзгартирмаган ҳолда ишни арбитражда кўриб чиқишни бошлайди. Ўз-ўзидан маълумки, муаммоларини ҳал этиш учун ҳаракат қилаётган низолашаётган томонларнинг икки мартаба харажат қилишларининг олди олинади. Ҳакамлик судлари низолашаётган томонларга ишни кўриб чиқиш учун арбитражнинг ўзлари танлаш ҳуқуқини беради ва кўриб чиқилаётган ишнинг маҳфийлиги, чиқариладиган қарорнинг бошқа судлардан кўра тезроқ чиқарилиши, томонларнинг хоҳиш-истагига кўра юзага келган низони техник томондан тушуна оладиган арбитражнинг кўриб чиқилаёт-

ган ишга жалб этиш имконлиги тадбиркорларнинг ҳакамлик судларига бўлган ишончини оширади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларида юзага келган низоларни имкон қадар тез ва самарали бартараф этиши ва ўз фаолиятини янгидан яхшилаб олиши ёки ташкил этиши эса мамлакат ва унинг раёнаси учун аҳамият касб этади.

Миллий қонунчилигимизнинг ушбу соҳасини янада ривожлантириш ва жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиши чет эл сармоясининг мамлакатимизга оқиб келиш динамикаси янада тезлашишига ва инвестициявий муносабатларда ҳар хил чигалликларнинг олди олинишига асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, мамлакатимиз ҳудудида сармоя олиб кирган инвесторлар ёхуд икки томонлама фойдага асосланган шартнома асосида иш олиб бораётган чет эл тадбиркорлик субъектлари билан узок муддатли фаолиятни кўзлаган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан халқаро тижорий арбитраж институтининг қонунчилик базасини ҳам янада ривожлантириш биз ҳуқуқшуносларнинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Тадбиркорларга янада кенгроқ йўл очиш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий томондан ҳимоя қилиш, хориж тажрибасининг юртимиз учун самарали бўлган томонларини ўрганиш ва лозим топилса, миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш мамлакатимизда соғлом бизнес муҳитини янада мустаҳкамлашнинг гаровидир.

Фаррух ТҲҲИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими,
Алишер МАМАТОВ,
ҳуқуқшунос

Тўхфа

Янгиқўрғон туман маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан "Ўлимларни қолдириб доғда" лавҳалар тўплами тайёрланди ва чоп этилди.

"ЎЛИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА"

тўплами нашр этилди

Унда Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ва ҳозир ҳам сафимизда юрган отахонларнинг жасорати қаламга олинган. Китобни тайёрлашда "Янгиқўрғон хаёти" газетаси таҳририяти қошида фаолият кўрсатаётган "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти аъзолари бўлган журналистлар фаол қатнашганликлари диққатга сазовордир.

— Ҳамкорликда амалга оширилган мазкур лойиҳада ҳамкасбларимизнинг иштироки катта бўлди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гурӯҳи раҳбари Дилбар Аскарлова. — Мен ҳам уруш фахрийси Абдурахмон Отажонов ҳақидаги "Ҳаётнинг ҳар шими-ю ҳар тонги — фақат тинчликдан" деб номланган лавҳа билан қатнашдим. Шунингдек, ҳамкасб партия-дошларимиздан Рустам Мирзимов, Дилором Йўлдошева ва Камола Ҳўрабоева қаламига мансуб қатор ижод намуналари ҳам китобдан ўрин олган.



Н.АБДУЛЛАЕВ

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда навбатдаги қадам

Шарҳ

Истиклол йилларида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари сафи кенгайиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораёпти. Мустақилликка эришиш арафасида республикамизда атиги 100 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони бугунги кунда 8 200 дан ошди. Бошқача айтганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 80 баравардан ортққа кўпайди.

Кейинги йилларида уларнинг сони жаддалик билан ўсиб борганлиги фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг махсули бўлиб, давлат органлари томонидан улар фаолияти хар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги, жумладан, Адлия вазирлиги томонидан кенг қўллаб-қувватлаш чоралири натижасида мамлакатимизда "учинчи сектор" барқарор ривожланиб бормоқда.

Давлат томонидан фуқаролик жамиятини мунтазам ривожлантириш борасида қўрилатган ҳуқуқий, ташкилий, институционал, иқтисодий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари натижасида мамлакатимизда "учинчи сектор" барқарор ривожланиб бормоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий принциплари ва қоидалари Конституциямизда белгилаб қўйилганлиги, Ассий қонунимизнинг 15, 30, 34-моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини оид тегишли қоидаларнинг белгиланганлиги, XIII боб тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланганлиги бу соҳадаги муносиб меҳнат самарасидир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий принциплари ва қоидалари Конституциямизда белгилаб қўйилганлиги, Ассий қонунимизнинг 15, 30, 34-моддаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини оид тегишли қоидаларнинг белгиланганлиги, XIII боб тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланганлиги бу соҳадаги муносиб меҳнат самарасидир. Жумладан, Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг

ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашушига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашушига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, юқоридаги конституциявий тамойиллар қатор қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Сийёсий партиялар тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасини томонидан қабул қилинган қонунлиқ ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувват-

лаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Умуман, истиклол йилларида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ошқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, вазирлик зиммасига но-

Биз, ўз депутатлик корпусимизга таянган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ечишга қаратилган дастурларда кенг иштирок этишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратилишига хайрихоҳлик кўрсатамиз.

(Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловдаги дастуридан)

давлат нотижорат ташкилотлари, бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатишининг қонунийлигини, ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлаштириши, уларнинг аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фаол иштирокини таъминлаш вазибалари юклатилди.

Шунингдек, мазкур қарор билан мамлакатда рўйхатдан ўтган халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиши таъминланадиган шарт-шароитлар яратилишига хайрихоҳлик кўрсатамиз.

ши, шунингдек, 2015 йил 8 июнда кучга кирган Адлия вазирлигининг 2015 йил 4 июндаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Акредитация қарточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруқларининг умуммажбурий тусдаги ҳужжат сифатида рўйхатдан ўтказилиши фикрининг яққол далилидир.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуннинг 8 ва 33-моддаларига асосан нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш танишиш эркиниги таъминлаши, рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши, рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назиқ тўғридан бошқа мажбуриятларга бўйсунмади. Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юридаги ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сонли қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 47-бандига асосан ННТ, шунингдек, алоҳида бўлималар тегишли "адлия" органига 1 ҳар йил 1 февралгача — ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шу жумладан, фаолиятини молиялаштириш

манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда ўтказилган ҳисобот шаклларида эса, ННТлар, уларнинг ҳудуди бўлиналари ҳамда халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилоти ваколатхона ҳамда филиали томонидан рўйхатдан ўтказувчи органларга тақдим қилинадиган ҳисобот маълумотларига аниқлик киритилди.

Жумладан, ҳисобот шаклларида ННТлар рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ ва банк реkvизитларини, раҳбарлари ва раҳбар органлари, ходимлари ҳақидаги маълумотларни, жойлашган ери (почта манзили), аъзолари, ҳамкорлари, уларнинг таъсисчилигида очилган тадбиркорлик субъектлари, жумладан, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги, лицензияланадиган фаолият турлари ҳақидаги, устав доирасида амалга оширилган ишлари ҳақидаги, шу билан бирга, фаолиятини молиявий таъминлаш маблағлари ҳақидаги ҳамда ташкилотни текшириш (мониторинг қилиш) ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш назарда тутилди.

Шу билан бирга, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилоти ваколатхонасининг, филиалининг ҳисобот шаклида эса ушбу ташкилот билан бирга бош ташкилот ҳақидаги маълумотлар, маҳаллий ва хорижий ходимлари ҳақидаги маълумотлар, ҳисобот давридаги гуманитар фаолият билан шуғулланиш натижалари ва тегишли маълумотлар кўрсатилиши белгиланди. Қайд этиш ўринлики, ушбу ҳисобот шакллари муқаддам ишлаб чиқилган ҳисобот шаклидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, ҳисобот шакллари ННТларни рўйхатдан ўтказувчи органлар ва уларнинг фаолияти кўрсатиш ҳудудидаги қўриқчи, бир неча турларга ажратилди. Шунингдек, ҳисобот шаклларида ННТлар учун қийинчилик туғдирадиган ҳамда маълумотлар киритишда айрим ноқулайликлар келтириб чиқариладиган бандлар чиқариб ташланди ва янада соддалаштирилди. Яна бир муҳим жиҳат, бундан буён ННТлар ҳисобот шаклларида ўзларининг фаолиятида вужудга келган муаммолар, ННТлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича асосланган тақдирларни тақдирларни кўрсатишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида адлия органлари томонидан ННТлар фаолиятида вужудга келган ва ечимини кузатишда турли муаммоларни қонунда назарда тутилган тартибда ҳал қилиш, ННТлар фаолиятини таъминлаштириш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини янада ривожлантиради. Мазкур ҳисобот шакллари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва бир қатор ривожланган мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бир сўз билан айтганда, тасдиқланган ҳисобот шакллари ННТлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада таъминлаштириш билан бирга, уларнинг ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсад ва вазибаларига эришишдаги фаолиятига кўпроқ вақт ажратиши, шунингдек, улар фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга ҳизмат қилади.

Зикрилло МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган барқарор авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзуида

"Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш" мавзуида

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйдаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳаларни қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, қийинчиликларга шайқат каби инсоний қасдларни, она юртимизга, ўз халқига чекиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.
2. Оилада, жамиятда ёши улугларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини оширишга. Болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нурунийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда таъзим билан тарбиялаш.
3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва мезморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, экскурсиялар уюштириш, буклетлар чоп этиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.
4. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.
5. Ёш авлоднинг фан ва санъатга бўлган иштиқоқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намоиш этишида рағбатлантириш.
6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда қишлоқ жойларида яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.
7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ичкилик, маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.
10. Азалий миллий қадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор

топтиришда, жисмонан соғлом, маънавий етук ва барқарор авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларида оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.
12. Жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг турли машғулотларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини кўриш.
13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.
5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.
6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шохқўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйдаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳаларни қабул қилинади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳоли фаоллигини ошириш.
2. "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳамда мазкур қонун мазмунининг жойларда амалий бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.
3. Аҳолининг экологик ва табиий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиятини ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.
4. Кенг ахборот-мушунтириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартиби атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш.
5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш.
6. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўсалмазорлаштириш, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш.
7. Кўчалар ва турар-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўсалмазорлаштириш бўйича вазибаларни ечишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти ва ўрнини ошириш.
8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратни амалга оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш.
9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига табиий ресурслардан оқило-

на фойдаланишни таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза муқобил энергия манбаларини таъминлаш этиш.

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланиши олдини олиш, маънавий чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш.
11. Экологик ҳалокат — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш.
12. Экологик таъминоти ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб этиш.

Танловда қатнашиш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.
5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.
6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шохқўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

19 июнь — Жаҳон болалар футбол кун

Спортнинг бирон-бир тури, айниқса, футбол билан шуғулланган бола соғлом воёга етади. Ҳамжихатликни, жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ўрганади. БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, 19 июнь санаси "Жаҳон болалар футбол кун" деб белгиланганида ҳам шу жиҳатлар инobatга олинган, албатта.

Юртимизда "миллионлар ўйини" — футболни ривожлантириш учун, биринчи навбатда, болалар футболга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки, айнан шу даврда мурғак қалбларда футболга илк меҳр уйғонади ва катта майдонга элтувчи дастлабки қадамлар ташланади.

Ҳар кун эрталаб яшил майдонда ўтказилаётган машғулотларни қизиқиш билан кузатаман. "Пахтакор" футбол клуби ўйинчиларидек кийинган болакайлар бир-бирига копток узатади, ўн бир метрлик мософадан дарвозани нишонга олади, тўпни боши билан шеригига етказиб беради. Ажаблანарли томони, бу майдонда машғулотлар бирон кун тўхтамайди, ҳатто қор, ёмғир ёғатганда ҳам ўтказилаверади.

"Пахтакор" футбол клубига қарашли 16-сонли футболга мослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (16-БЎСМ) Чилонзор туманидаги 163-мактаб билан ёнма-ён жойлашган. Мен ҳар кун эрталаб бошланғич синфда ўқийдиган қизимни шу мактабга олиб бориб қўйиб, яшил майдонда тўп тепаётган болаларни мароқ билан кузатаман, уларга ҳавасим ледади.

Истиклол йилларида навқирон авлод вакиллари интеллектуал салоҳиятини юксалтириши, иқтидорини тўлақонли намойиш этиши, ўзи қизиққан спорт билан мунтазам шуғул-

ланиши учун нафақат шаҳарларда, балки чекка қишлоқларда ҳам барча қулайлик яратиб берилди. Юртбошимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаганидек, болалар спортини ривожлантириш, шу орқали уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шундай баркамол авлодни воёга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарма ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилди. Улар замонавий спорт жихозлари ва анжомлари билан таъминланди. Бу, шубҳасиз, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, ёшларнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритиши, халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузининг янада ошишига замин яратди.

Болалар спорт объектларининг республикамизда кенг миқёсда қурилиши ва белгиланган меъёрдан асосида жиҳозланиши натижасида бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

"Пахтакор" футбол клубига қарашли 16-сонли футболга мос-

Ҳам спорт, ҳам санъат



лаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида футбол мусобақаси ўтказилаётган экан. Стадион трибунасида майдондаги фарзанднинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирган ота-оналарни кўриб қувондим.

— Ҳар бир ота-она фарзанднинг қизиқишини ҳисобга олган ҳолда уни бирон спорт турига тўғри йўналтириш, бола ўзига билдирилган ишончини оқлаб, зиммасидаги вазифани удралашига ўз тажрибам мисолида амин бўлдим, — дейди суҳбатдошимиз, ўзини Мансур Аҳмедов деб таништирган йигит. — Ўғлим Дилшодбек 2006 йилда туғилган. Уни 16-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб келгунга қадар жисмоний ҳаракати суст, очиги, мактабда ҳам фанларни ўлаштириши унчалик кўнглидагидек эмасди. Спорт, жумладан, футбол-

нинг бола руҳиятига ижобий таъсирини қаранг, машғулотларга мунтазам қатнай бошлагач, Дилшодбекнинг мактабда ўқиши яхшиланди, жисмоний томондан ҳам гайратли бўлиб қолди. Келажакда ўғлим моҳир футболчи бўлиб етишишига, машур жамоа аъзоси сифатида нуфузли мусобақаларда иштирок этишига умид қиламан.

— Мана, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, спорт мактабимиз ҳар доим ёш футболчилар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Спорт мактабимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 январда қабул қилинган "Футбол бўйича болалар ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Пахтакор" футбол клубининг Чилонзор туманидаги базасига жойлаштирилган, —

дейди спорт мактаби директори Шўхрат Раҳмонқулов. — Бунда иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайишини рағбатлантириш мақсади кўзда тутилган. Олдимизга қўйилган асосий вазифа юқори малакали футболчиларни "Пахтакор" футбол клубининг асосий таркибига ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоасига тайёрлаб беришдан иборат. Мактабимизга болалар 7 ёшдан қабул қилинади. Машғулотлар ўтказиш учун спорт инвентарлари ва бошқа шарт-шароитлар етарли. Битта сунъий қопламали, битта табиий чимли футбол майдони, ювиниши, кийиниши хоналари бор. Ҳозир 500 дан ортққ ўқувчилар 39 та гуруҳга жамланган, уларга 21 нафар малакали мурабий устозлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, истиклол йилларида юртимизда футболни ривожлантириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилгани болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб эта-

ётир. Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган "2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, мурабийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малақасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекobod шаҳрида "Металлург", Олмалик шаҳрида "Олмалик", Наманганда "Навбахор" футбол клубларининг замонавий стадионлари фойдаланишга топширилгани ана шу сазй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари зарур спорт инвентарлари ва малакали мурабийлар билан таъминлангани ҳам эътиборга молик.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар футболга қаратилаётган эътибор замирида юксак орзу-мақсадларимиз буй кўрсатади. Ишончимиз комилки, бугун мурабийлари кўмағида ўз маҳоратларини ошираётган, "миллионлар ўйини" сирларини кунт билан ўрганаётган ёш футболчилар келгусида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Суюндик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Микрокредитбанк
МИЖОЗИ —
"Ташаббус — 2015" Ғолиби

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, уларнинг экспорт имкониятини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки томонидан халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини бермоқда.



Бугунги кунда 262 мингдан ошққ миқозга эга бўлган банкнинг 85 та филиали ва 142 та мини-банклари орқали республикамизнинг барча минтақаларидаги, жумладан, энг чекка ҳудудлардаги аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, "Микрокредитбанк" АТБ томонидан биргина жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида жами 12300 та миқозга қарийб 330 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан, кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 142 миллиард сўмни ташкил этди.

Қувонарлиси, банк сармоялари

асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантираётган ҳамюртаримиз ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиб, республика ва халқаро танловларда юқори ўринларни қўлга киритмоқда.

Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият юритиб келаётган "Takko Osiyo" масъулияти чекланган жамияти бир неча йилдан буён банкнинг кредит маблағларидан фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтириб келаётган ана шундай миқозларимиздан биридир.

Яқинда корхона раҳбари Камолдин Ғиёсов Президентимиз соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2015" кўрик-танловида "Энг яхши тадбиркор" йўналишида ғолиб деб топилди. Унга Президентимизнинг махсус соврини "Spark" автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Бугунги кунда мато тўқиш ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқара-

риш йўналишида фаолият юритаётган "Takko Osiyo" масъулияти чекланган жамиятида 300 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг деярли барчаси экспорт қилинади. Ўтган йили корхонада 1 миллион 36 минг АҚШ доллари миқдоридан миқдоридан маҳсулот ишлаб чиқарилди. 140 нафарга яқин ходим меҳнат қилаётган корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Тадбиркор тимисиз изланишда бўлади. Бойси, экспортбоп маҳсулот тайёрлашнинг ўзига хос нозик жиҳатлари кўп. Маҳсулот сифатли, бозор талабларига мос бўлиши керак. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркор чет элларда ўтказилган кўплаб халқаро кўргазмаларда иштирок этди. Корхона маҳсулотлари сифатини ошириш йўлида ҳаракат қилди. Ҳаракатлар самарасида корхона ISO 9001:2008 халқаро стандартини олди. Харидорларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш учун Россияда корхонанинг савдо ўйини очишга муваффақ бўлди. Мана шундай омиллар ҳисобига корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва савдо географияси кенгайиб бормоқда.

Ўтган даврда "Микрокредитбанк" билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик туфайли корхона қўллаган ютуқларни қўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришиб келмоқда. Банкнинг ишбилармонлиқни ривожлантиришга қаратилган турли кредитларидан унумли фойдаланган тадбиркор фаолиятини ривожлантириб бормоқда. Айни пайтда тадбиркор 250 дан ортққ хорижлик савдо ҳамкорлари билан иш олиб бормоқда, Россия ва Беларуснинг 6 та шаҳрида корхона маҳсулотлари доимий сотуви йўлга қўйилган.

Яратилаётган шароитдан унумли фойдаланиб, фаолиятини кенгайтириб бораётган тадбиркорнинг ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги ишлари ҳам эътирофга молик. Ўтган йили 27 нафар колле битирувчисини иш билан таъминлаган корхонада 70 нафар ёшлар меҳнат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати

Хурматли тадбиркорлар!
«АСАКА» БАНК

"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси), "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш.
Қарздор	"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: — Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; — Ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича: — Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.
Кредит мақсади	"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича: Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун: — асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линияси бўйича: — Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com Хизматлар litsenziyalangan

МУАССИС: Бош муҳаррир: Ислам ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Ғаффар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуҷамола РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алшер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс;
Реқлама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Абдулгани Содиқов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарк тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Ғ — 600. Адади — 11162
Босишга топширилган вақти — 21.30
Босишга топширилган вақти — 22.00
Баҳоли юлшшилган нарҳда

Узбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

1 2 3 4 5